



Хўжа Хофиз ШЕРОЗИЙ ҒАЗАЛЛАР

Мумтоз Шарк адабиётида сўзни Хофиздай минг бир макомда ўйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сехру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш мумкин эмас. Атокли шоир ва мутафаккир Мухаммад Икбол бежиз Хофизни буюк сехргар, деб луфт этмаган...

Шамсуддин Мухаммад Хофиз Шерозий Эроннинг Шероз шахрида тугилган. Лекин бутун умри давомида она шахридан четга чикмаган бу «исонафаслик ринди Шероз» (Навоий) ўзининг ёник шеърлари билан ярим дунёни эгаллади ва ўзидан кейинги Шарку Гарб адабиётига катта таъсир кўрсатди. Буюк немис шоири Хёте Хофизни «ноёб услуб дахоси», «муқаддас Хофиз» деб улуглаб, унинг таъсирида «Гарбу Шарқ девони»ни яратган бўлса, В. Жуковский, А. Пушкин, Ю. Лермонтов, А. Фет, С. Есенин каби рус шоирлари Хофиздан илҳомланиб, «хофизона» оҳангларда шеърлар ёзганлар, унинг ижодини юксак баҳолаганлар. Шарқда эса Шероз булбулидан таъсирланмаган шоирнинг ўзи йўқ хисоби.

Шарқ адабиётининг атокли шоири ва мутафаккири Мухаммад Икбол Хофизни буюк сехргар, деб луфт этган эди. Чиндан хам дунё адабиётида сўзни Хофиздай минг бир макомда ўйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сехру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш мумкин эмас. Хофиз шеърлари табиийлиги, самимийлиги, хассос бир муҳаббат ва юксак бадииятга йўғрилганлиги, мазмуни теран ва серкатламлиги, фалсафасининг қуюклиги, нозик ишораларга бойлиги, услубининг мураккаблиги учун хам унга «лисон ул-гайб» — «гойибнинг тили» сифатини берганлар. Хофиз хаммаёкни вайронага айлантирган мўгуллар хукмронлиги инкизозга учраб, майдада хонликлар ўртасидаги ўзаро тожу таҳт талашлари авж олган, бундан халкнинг тинкаси куриб, ахволи хароб бўлган бир даврда яшаб ижод этди. 50 йил (1338—1388) мобайнида 6 марта подшоҳ алмашганлиги хам шоир яшаган даврнинг нотинчлигини кўрсатади. Бу нарса унинг ижодига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Маъшука таъриф-тавсифи, висол лаззати-ю, хижрон хасратини тараннум этиш воситаси бўлган газалга Хофиз ижтимоий мавзулар, фалсафий фикр-мулоҳазаларни омухта килди. У ишқ аталган улкан ва бепоён мавзу ичига Олам ва Одам дардини, ўз даврининг ўткир ижтимоий муаммоларини дадил олиб кирди ва маҳорат билан шеърга солди. Хофизни Хофиз килган нарса аслида шу.

Хофиздан бор-йўги бир девон мерос колган. Шуни хам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Хофиз вафотидан 30—40 йил кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Мухаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан хам у ярим дунёни эгаллади.

Хофиз ижодидан намуналарни ўзбек тилига Хуршид, Муинзода, Чустий, Васфий, Шоислом Шомухамедов, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жонибек Кувнок каби форс-тожик адабиётининг билимдонлари таржима килганлар

Агар ул турки шерозий кўнгилни олса бир они,
Каро холига баҳш этгум Самарканду Бухорони.

Кетур, сокий, майи бокийки, жаннат ичра топмассен,
Канори оби Рукнободу гулгашти Мусаллони.

Фигон, ул лўлиларким, шўху шириңкору шаҳрошиб,
Чунон олди кўнгилдин сабр, ки турклар хони Яғмони.

Бу ночор ишкимиздин ул жамоли ёр мустагний,
Не хожат обу рангу холу хатга рўйи зебони.

Дамо-дам ортар эрди Юсуф хусни, англадим андин,
Ки исмат пардасидин ишк чикарди ул Зулайхони.

Маю мутрибдин сўзла, жаҳон розини кам изла,
Хирад хеч ечмади, харгиз ечолмас бу муаммони.

Насихат тингла, эй жоно, севарлар жонданам ортиқ
У ёшларким, саодатманд, панди пири донони.

Менга сўзким ёмон айтдинг, афоковлоки, хўб айтдинг,
Ярашгай унга аччик сўзлари лаъли шакархони.

Газал ёздингки, дур тиздинг, кел, эй, хуш куйлагил, Хофиз,
Ки назмингга нисор этсин фалак иқди Сурайёни...

* * *

Кеча масжиддин чикиб, майхона борди пиrimиз,
Айтинг, эй ахли тарикат, не бўулур тадбиrimиз?

Бас, харобот ичра хамманзил бўлайлик биз даги,
Не илож, гар бўйладир аҳди азал тақдиримиз.

Биз, муридлар, кибла сори юзни бургаймиз нечун,
Юзни бурмиш бўйлаким майхона сори пиrimиз.

Акл гар билсайди, кўнгил ёр зулфи бирла хуш,
Жумла окил жинни бўлгайди сўраб занжиrimиз.

Гул юзинг лутфу карамдин бизга оят этди кашф,
Ул сабабдин яхшилиқдин ўзгамас тафсиrimиз.

Тош эмиш сенда кўнгилким, таъсир этmas тунлари
Чеккан ул оху фигону нолайи шабгиrimиз.

Охимиз ўки тешиб ўтди фалакдин, айла бас,
Хофизо, жонингга раҳм эт, беомондир тиrimiz...

* * *

Кўзим равоки манзари ошиёнанг эрур,
Карам айлаю туш буён, хона хонанг эрур.

Лутфи холу хатинг олмиш орифлар кўнглини,
Латофатинг нишони ул дому донанг эрур.

Дилинг гул васли-ла, эй булбули чаман, шод эт,
Чаманда хама гулбонги ошиконанг эрур.

Иложи дардимиз ширин лабга хаволат кил,
Ки ул жон равшани ёкут хазонанг эрур.

Тан ила хизматинг магар этмокка ожизмен,
Вале хulosайи жон – хоки остонанг эрур.

Мен ким эмишманки, титрар сипехри маккор хам,
Уни титратган хийлаю баҳонанг эрур.

Мен ул эмаски, дуч келган санамга дил берсам,
Хазина узра муҳринг ул, нишонанг эрур.

Нечук жон офатисен, эй шахсувору ширинкор,
Бедовким чун фалак роми тозиёнанг эрур.

Суруди мажлисинг тинглаб, фалак хам ракс этар,
Ки шеъри Хофизи ширинах таронанг эрур...

* * *

Оҳки, ул ёдимдадир, кўйинг менга манзил эди,
Кўзда нурим эшигинг тупрогидин хосил эди.

Пок сухбат баҳраси боис гули савсан каби,
Кўнглинг ичра эрса не пайдо, тилимда ул эди.

Дил сўраб пири хираддин ул маоний накдини,
Шархини ишқ айтар эрди, пиргаким мушкил эди.

Ох, чун жавру тазаллумки, ўшал маъвода ул,
Вой, яна айшу фарогатким, ўшал манзил эди.

Колмагаймен хеч замон бедўст дердим дилда мен,
Не килайки, ул хама сайъи дилим ботил эди.

Кечак ахбоб ёди-ла бордим харобот сорига,
Май хумин кўргач, дилимда дард, оёқда гил эди.

Кайтдим андин сўргали боиси ул дарду фирок,
Акл муфтийси вале лол эрди, лояъкил эди.

Хофизо, кўргил, урар кабки хиромон қахкаха,
Чун казо бургутининг чанголидин гофил эди...

* * *

Сабо, лутф айлабон айт гизоли раънони,
Ки ул боис кезармиз бу тогу сахрони.

Шакарфурушки, умри узун бўлгай, нега
Риоят айламас хеч тўтийи шакархони?

ўурури хуснинг ижозат айламасми, эй гул,
Ки холин сўрмагайсен андалиби шайдони?

Латиф хулк ила овланур хамиша ахли назар,
Ки дому дон-ла тутмагайлар мурги донони.

Хабиб-ла ўлтирангу гар бода сипкорсанг,
Эсингга ол улфату дўсту бодапаймони.

Билолмам, не сабабким, ранги ошнолиги йўк
Ул сарвкаду каро кўзу моҳсиймони.

Топилмас андин ўзга хеч жамолингда айб,
Холи меҳру вафоси йўк рўйи зебони.

Не ажаб, осмон ичра гар Хофиз шеъридин
Зухро куйласаю раккос айласа Масихони...

* * *

Холимиздин зохи迪 зохирпараст огох эмас,
Шаънимизга хар не айтса, айтсин ул, парво эмас.

Ўйнасак шатранж, сурармиз биз пиёда хар замон,
Баски, риндларга бу майдонда мажоли шох эмас.

Бу не истигно эмиш, ё Раб, бу не хоким эрур,
Хаммада захми нихону ошкоро ох эмас.

Ул кўйи майхона бормок ахли содиклар иши,
Ўзни сотганларга ул майхона сори рох эмас.

Бандаи пири хароботманки, лутф айлар мудом,
Шайху зохид лутфи менга гоҳ бўлгай, гоҳ эмас.

Хофиз олий химмат айлаб, тўрга чикмас эрса гар,
Куйкахўр ошиқдир ул, валлоҳ, асири жоҳ эмас.

* * *

Дедим: качон лаълинг мени комрон килур?
Деди: буюр, не истагинг эрса, ҳамон килур.

Дедим: Миср хирожини талаб этар лабинг,
Деди: бу муомалада камтар зиён килур.

Дедим: ул ширин нуктага йўл топган бормидир?
Деди: бу бир хикоядирким, нуктадон килур.

Дедим: санампаст бўлма, викор-ла ўлтирма,
Деди: ҳар иккисин махбуб бегумон килур.

Дедим: майхона олгайдир кўнгиллар дардини,
Деди: хуш улки, ўзни бўйла шодумон килур.

Дедим: шаробу хирка не мазхабнинг одати?
Деди: амалким, мазхаби пири мугон килур.

Дедим: ул шаккарин лабдин кексага не наф?
Деди: бир бўсаси чолни навқирон килур.

Дедимки, хўжа не замон етгай махбуига?
Деди: ул дамки, Ойу Муштариј кирон килур.

Дедим: Хофиз этар унинг дуойи давлатин,
Деди: дуосин малоики етти осмон килур...

* * *

Эйки, лаълинг каломидин коми жон лазиз,
Ширин лабинг таъми сафосидин дахон лазиз.

Тишинг чун катра сутдирким, лабларинг шакар,
Ширу шакардин комимиз ҳар замон лазиз.

Хуни дилу жигар кабоб ҳам сенинг, магар
Кабоб ёнида шароби аргувон лазиз.

Хадиси лутфинг сўйласам, келди сўз латиф,
Васфи лабинг баёнида бўлди баён лазиз.

Хуснинг тотини тотгаймен, жоним, хар нафас,
Хуснингга туташса, кўргил, энди забон лазиз.

Хофиз пиширди бир халво жон ширасин кўшиб,
Орзу, дилида ул лаби масти чунон лазиз...

* * *

Ажаб, хужаста замонким, ёр яна келгай,
Гариблар кўйига гамгусор яна келгай.

Хаёли хайли йўлига кўз тикдим интизор,
Чу уммид билаки, шахсувор яна келгай.

Бошим эгилмаса магар чавгони амрига,
Нечук бош дегум, андин озор яна келгай.

Йўлида ўлтиармен чун гарду губор бўлиб,
Кўнгилда ул хаваски, рахгузор яна келгай.

Дилим карор этди-ю, зулфини тутди макон,
Гумон этмаким, анга карор яна келгай.

Кишу каҳратон жаврини чекди булбуллар,
Бўйи иштиёқ билаки, гулбахор яна келгай.

Казо наккошидин уммид этармен, эй Хофиз,
Кошимга сарвкомат ул нигор яна келгай...

* * *

Аларким, назари тупрокни кимиё килур,
Качон раҳм этиб, назарин бизга раво килур?

Табиби муддаийларданки топмадим даво,
Шояд хазинайи гайбим дардга даво килур.

Маъшукки, гул рухсоридин чекмади никоб,
Хар кимса бир тасаввур айлаб, иддао килур.

Риндлигу зохидликдамас хусни окибат,
Улардаким, ишни иноят-ла бажо килур.

Бемаърифат бўлма, ишкни “ким ошди” этсалар,
Ахли назар риояти дўст-ошно килур.

Парда ортида килурлар мунча фитнаким,
Парда очилса, фитна ахли не бало килур?

Гар бу хадисдин нола чекса тош, не ажаб,
Соҳиб кўнгиллар хикоятини хуш адо килур.

Май ичгил, юз гуноҳ этмак сенга яхшиrok
Андинки, агёр тоат айлаб, сўнг риё килур.

Юсуф кўйлагидин келур хуш бўйи, анбари,
Кўркаманки, аголари уни фано килур.

Майкада кўйидин боргил фарогат уйига,
Ҳаккинга офтоб ўзи хайри дуо килур.

Масту бехудлигим яшир ракиблар кўзидин,
Киши хайри нихон этса, баҳри Худо килур.

Хофиз, висоли бардавом мұяссар бўлмагай,
Шоҳлар качон илтифоти холи гадо килур?..

* * *

Гарчи воизга сўзим тингламак осон бўлмас,
Сўйласа макру риё, банда мусулмон бўлмас.

Ринд бўлиб, лутфу карам айлаки, хушдир бу хунар,
Улки хайвон, бода ичмас ила инсон бўлмас.

Гавҳари пок керакдир бўлгали кобили файз,
Ҳар нечук тошу сапол лўълийи маржон бўлмас.

Дардманд дардни табиб олдида гар тутса нихон,
Бўлгай ахволи ҳароб, дардига дармон бўлмас.

Касби корим ишк эрур, уммидки ул фанни шариф
Ноумид этмасу бир боиси афгон бўлмас.

Ваъда этмишди санам эртага деб висол,
Эй Худо, эртагача балки пушаймон бўлмас.

Асраромок бўлса нигор олдида гар жонни киши,
Бетакаллуф тани ул лоики курбон бўлмас.

Заррада бўлмас эса химмати олий, Хофиз,
Толиби чашмаи хуршиди дурахшон бўлмас...

Жамол Камол таржималари

Манба: «Жаҳон адабиёти» журнали, 2012/8